220993

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

№ 173 (668). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ XIII СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ нойблари!

Истиқлолимизнинг машаққатли, фидокорона меҳнат билан ўтган икки йили орқада қолди.

Бу йиллар бой имкониятларга эга бўлган, республика ва унинг аҳолисини танг ҳолатдан, моддий ва маънавий инқироздан чиқариш, миллий давлатимиз пойдеворини қуриш, иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш йиллари бўлди.

Ўзбекистонни жаҳонга намоён қилиш ахборот ва иқтисодий жиҳатдан четлаштириш ҳолатига барҳам бериш, жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлари қаторида тенг бўлиб олиш сари интилиш йиллари бўлди.

Мустақилликнинг икки йили — кўҳна тарихимизни, тарихда бизга ажратилган ўрнимизни чуқур англаш йиллари бўлди.

Бу йиллар шу ҳолатларнинг сабабларини мафкуравий ақидалардан холи равишда, ақл-идрок билан таҳлил қилиш йиллари бўлди.

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йиллари ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан излаш, Ўзбекистонни эркин, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш йўлидаги интилиш даври бўлди. Бу даврда биз ўзлигимизни англаш йўлида, улкан қадам қўйдик, ўзимизнинг тарихий йўлимизни танлаб олдик.

Ҳаётимизни, жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилмаларини ҳал қилувчи, умумийсоний қадриятларга асосланган, эркин демократик келажагимизни аниқ белгилаб берган Асосий Қонун — Конституциямизни қабул қилдик.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда умумий йўл-йўриқлар, ўхшаш андозалар йўқ. Шунингдек жаҳонда бир-бирига мутлақо ўхшаш кишилар бўлмаганидек, айнан ўхшаш давлатлар ҳам йўқдир.

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган.

Айни пайтда бизнинг йўл жаҳон амалиёти тўплаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига ўтган мамлакатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади.

Ўзбекистон танлаб олган йўл — **республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир.**

Иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт батамом барбод бўлади. Аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашади. Ижтимоий зиддиятлар кучая бориб, тангликка олиб келади. Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шундан далолат беради.

Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитларни яратаяпмиз.

Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга янгича ёндошувларни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқурроқ идрок этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ-равшан англаб етиш лозим. Республикадаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, илғор фикрловчи ҳар бир одам ислоҳотлар ғояси билан яшаши лозим.

Шундай шароитда иқтисодий дастурларимизнинг устувор йўналишларини яна бир бор аниқлаб олиш зарурати туғилади. Бор ҳақиқат шундайки, бу босқичда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бир вақтнинг ўзида, бирдан ҳаммасини ҳал қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли ислоҳотларнинг йўналишларини белгилаб олиш вақтида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларнинг ёрдамида яқин давр ичида муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал этиш мумкин бўлади. Уларнинг кўпини биз сизлар билан бир неча маротаба муҳокама қилгандик. **Айни пайтда уларнинг ҳаммасини бир-бири билан ўзаро узвий ҳолда боғлаб, кўриб чиқиш жуда муҳимдир.**

Хўш, бугунги кунда республика иқтисодий дастурининг моҳиятини ташкил этувчи энг асосий устуворликлар ва йўналишлар нималардан иборат?

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш — иқтисодий дастурнимизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бизнинг принципларга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак. Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш системасидан, шаклланган текисчилик ва боқимандалик психологиясидан қатъиян воз кечиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Шу борада бугунги босқичда олдимизда турган энг муҳим масалалар:

биринчидан, **давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш** йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, коллектив ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, қўштармоқли иқтисодиётни шакллантиришдир;

иккинчидан, **нарх-наволарни босқичма-босқич арқонлаштириш**, монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

учинчидан, **бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, яш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш** борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлашдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволи барқарорлаштириш — иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият тангликни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка ҳуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирамиз.

Шу мақсад учун:

биринчидан, қатъий молиявий сиёсат ўтказиш. Бундан буён ҳам бюджет маблағлари қаттиқ назорат остида, давлат томонидан даромад тушишига қарабгина ажратилиши лозим. Солиқ сиёсати ҳам янада такомиллаштирилиши зарур. Иқтисодий вазиятни умумий тарзда соғломлаштириш, бюджетнинг даромад қисми кўпайишининг асоси бўлиши керак. Бу эса солиқ солинадиган базани кенгайтириш имконини беради. Давлат ва корхоналарнинг молиявий маблағлари алоҳида ажратилиши лозимлиги муҳим қондадир. Корхоналар ўз маблағларига ёки тижорат банкларининг кредитига умид қилишлари керак;

иккинчидан, кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, кўпайтиришни таъминлайдиганларга берилиши лозим. Айни пайтда, асосий кредит экспансияси-га, заём маблағлари сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий қондадир. Бугунги кунда банклар инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири ҳар бир тармоққа тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлишлари керак;

учинчидан, ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш. Ишлаб чиқаришни қайтадан тикламай туриб, ички молиявий ва ижтимоий барқарорликка умид боғлаб бўлмайди;

тўртинчидан, пулнинг қадрсизланишига ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш, монополист корхоналарнинг улгуржи ва чакана нархларни ошириб юборишларга йўл қўймаслиқдир.

Иқтисодий дастурнимизнинг стратегик вазифаси — иқтисодимизнинг таркибини қайта қуришдир.

Иқтисодиётимизнинг бир ёқлама хомашёга йўналтирилганлигини қатъиян бартараф этиш, ички сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш зарур.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиётн марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси даврндагидек, республика арзон хомашё ва стратегик минерал ресурслар базаси эди. У тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолганди. Республиканинг улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда даромадлар унинг ҳудудидан анча олисда қолиб кетарди.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришлар бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар, аввало қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик хомашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ресурсларини чуқур қайта ишлашга алоҳида аҳамият берилиши керак. Янги қайта ишловчи қувватларни яратиш, кенг миқёсларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини, сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш, тайёр буюмларнинг хилларини кўпайтириш, уларни ташиб келтиришни камайтириш ва экспортни ошириш имконини беради.

Иккинчидан, асосан пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатидан иборат бўлган халқ хўжалигининг мавжуд таркибининг истиқболи йўқдир. Шунинг учун, бизнинг вазифамиз илм-фанга асосланган техник жиҳатдан мураккаб тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш ва унинг рақобат қобилиятини таъминлаш, ақлий салоҳият негизида юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтиришдир.

Учинчидан, илғор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларнинг комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантиришдир. Республикада рангли металлургия, кимё ва электр техника саноатида, машинасозлик ва асбобсозлик соҳасида юксак технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун қулай имкониятлар бор. Уларнинг маҳсулотларига ҳозирнинг ўзидаёқ республикадан ташқарида харидорлар кўпдир.

Иқтисодий ўзгартиришларнинг ғоят муҳим бўғини — қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ўтказишдир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида аграр сектордаги ўзгартиришларга ғоят муҳим аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда иқти-

(Давоми 2-бетда).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси 3 сентябрь куни ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш раиси Ш. Йўлдошев бошқарди.

Маданият ва маданий меросни асраш комитетининг раиси П. Қодиров Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медаллари намуналарининг эскизларини тайёрлаш қандай бораётгани, шунингдек виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги республика қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар орденлар ва медалларнинг эскизларини кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунга тузатишлар қабул қилинди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ва сув хўжалиги комитети раиси Ш. Мирзаевнинг маърузаси юзасидан ветеринария тўғрисида қонун қабул қилинди.

Депутатлар қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Мазкур масала юзасидан Илм-фан ва экология комитетининг раиси А. Жалилов ахборот берди.

Сессияда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур масала юзасидан Ветеранлар ишлари ва ёшларга доир саёсат комитетининг раиси А. Аъзамхўжаев сессияда маъруза қилди.

Олий Кенгаш республикадаги физик-жўғрофий жойлар ҳамда бошқа топонимик объектлар номларини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Туркия Республикаси билан тузилган давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар, шунингдек, давлатлараро банк таъсис этиш ҳақидаги битим тасдиқланди.

Депутатлар уруш қурбонлари ҳақидаги Женева конвенциясига, халқаро тусдаги ва халқаро тусга эга бўлмаган қуролли можароларнинг қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенциясига қўшимча протоколга Ўзбекистоннинг қўшилиши ҳақидаги таклифни маъқулладилар. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг қарорларини тасдиқлади.

Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам жаноб Президент, Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллиги билан табриклайман. Бу кун Ўзбекистоннинг бой тарихий ўтмиши ва унинг мустақил давлат сифатидаги порлоқ келажаги рамзидир.

Мамлакатингиз ўз шонли тарихининг янги даврига қадам қўйиши биланоқ биз Ўзбекистоннинг демократия жараёнига, бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотни амалга оширишга интилишини қўллаб-қувватламоқдамиз.

Бу йўл муваффақиятли ва фаровон келажак гарови эканига ишончимиз комил.

Самимий ҳурмат билан,

Уильям Ж. КЛИНТОН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, Ўзбекистон ҳукуматини ва халқини республика Мустақиллиги куни билан самимий табриклайман. Қардош ўзбек халқига бахт-саодат, фаровонлик ҳамда миллий тараққиёт йўлида муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олишга асосланган дўстона муносабатлар ва самарали ҳамкорлик Ўзбекистон ва Россия халқларининг бахт-саодати йўлида изчиллик билан ривожланаверади, деб ишонаман.

Б. ЕЛЬЦИН.

1993 йил, 30 август,
Москва шаҳри, Кремль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЕШ МУАЛЛИФЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришганликлари, ёш авлодни маънавий етук ва барқарор ўстириш учун қўшган ҳиссаларини эътиборга олиб, қуйидагилар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНСИН

Акбаров Акбар — «ДНК—Карам РНК-Т7» бактериофаг полимеразининг ковалент модификацияси иши учун;

Юсупов Усмон — «Тефэстрол билан қомиладорликни тўхтатиш усули ва ундан кайнаги қайта қомиладорлик тизимининг ҳолати» иши учун;

Қораженов Смагул — «Фотоқўзғалиш эксиитон механизми шароитида мотастабил аралаш марказлари бўлган ярим ўтказгичлардаги синергетик фотоэлектрик ҳолатлар» иши учун;

Собир Ўнар — «Орзуга тўла қишлоқ», «Овлоқ адирлар бағрида» қиссалари тўплами учун.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини босқичма-босқич жорий этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар тўла маъқуллансин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ахборотида баён этилган асосий қондалар ҳамда хулосалар қўллаб-қувватлансин, улар раҳбарлик ҳамда ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов илгари сурган бош тамойиллар ва вазифаларга асосланган ҳолда иқтисодий ислоҳотни изчил ривожлантиришга, халқ хўжалигини янада барқарорлаштиришга, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Бошн 1-бетда).

содиётнинг айни аграр сектори ғоят катта резервларга эгадир. Уларни ишга солиш, ҳозирнинг ўзидаёқ катта натижалар бериши мумкин.

Қишлоқ — миллий даромаднинг энг муҳим манбаи. Аммо энг муҳими, қишлоқ иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги натижада, сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, у орқали бутун республика фаровонлик ва тўкинликка эришади. Мен илгари ҳам кўп маротаба шуни алоҳида таъкидлаб айтганман: агарки деҳқон бой-бадавлат бўлмаса, ҳеч қандай давлат бой бўлмайди.

Энг муҳими, қишлоқда хўжалик юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш; етиштирган маҳсулотига мустақил эгалик қилиш; ўз оиласининг тўқлигини таъминлаш имконини берсин. Фақат деҳқон ердан олаётган даромад, унинг ўзига тегишли бўлиши, маҳсулотнинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис этгандагина ўзини ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқ соҳасида яна бир жуда муҳим муаммоларнинг муаммоси бор. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан банд. Табиийки, қишлоқ хўжалигида ўзлаштирилган ерларимиз шунча одамни меҳнат билан таъминлай олмайди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг юқори самарали индустриал услублари, илғор механизация ва агрохимия усуллари ниҳоятда секинлик билан жорий этилмоқда. Бунинг натижасида унумдорлик даражаси ҳам, маҳсулдорлик даражаси ҳам, паст бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Қишлоқ жойларига, лўнда қилиб айтганда, саноатни олиб келиш зарур. Замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларни яратиш устувор вазифадир. Булар қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналаргагина эмас, балки сермеҳнат, шу жумладан касаначиликка асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчиликлари ҳам бўлиши керак.

Қишлоқда бунинг учун мутлақо янги бўлган тармоқлар — ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникациялар тармоғини, замонавий маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш лозим бўлади.

Амалда бу соҳа ҳозир ривожланмаган. Республикамизда халқ хўжалигида банд бўлганларнинг атиги 8 фоизи маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлади. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегишлича ташкил қилинган тақдирда эса, қишлоқдаги барча хоҳловчиларни иш билан таъминлай олади. Натижада, қишлоқнинг қиёфасини, қишлоқ турмуш маданиятини, одамларимизнинг ҳаёт даражасини тубдан ўзгартириб юборади.

Суғорма деҳқончилик саноатида асосий бойлигимиз бўлмиш ерга муносабатни ўзгартириш биз учун устувор йўналишлардан биридир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатига доимо катта эътибор берилмоғи лозим. Агар биз шундай қилмасак, истиқболимиздан маҳрум бўламиз.

Айтиб ўтилган устувор вазифаларни рўёбга чиқариш биз учун принципиал янги бўлган иқтисодий муносабатларни жорий этишга, маърифатли тараққиёт йўлига ўтиб олишга имкон беради. Айни пайтда иқтисодий мустақилликка эришишдек ниҳоятда муҳим вазифа ҳам шу муаммоларни ечиш билан боғлиқдир.

Вазиятни барқарорлаштиришнинг ғоят муҳим бўғини аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдир.

Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни тақозо этади.

Биз қулай табиий иқлим шароитларига эгамиз. Аммо истеъмол қилинаётган қанд-шакар, сут маҳсулотлари ва болалар овқатининг ҳаммасини, доннинг 70 фоизини, гўшт, сут маҳсулотлари ва картошканинг 50 фоиздан кўпроғини четдан келтиришга мажбур бўлиямиз. Бунга йўл қўйиш мумкинми, ахир?

Бундай кечириб бўлмайдиган қарамликни тугатиш йўлида ғоят қатъий қадамлар қўйиш талаб қилинади. Бу иқтисодий аҳамиятгагина молик эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Биз табиий бойликларимизни тўла-тўкис ишга солишимиз керак. Экин таркибларни бошқатдан кўришимиз лозим. Доили экинлар, картошка, қанд-лавлаги бўйича чет элларнинг илғор саноат технологияларини жалб этиш, чорва ва парранда боқишга деҳқон хўжаликларига, хонадонларга амалий мадад бериш зарур. Шу маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш корхоналаримизни қуришимиз бугунги кунимизни талабидир.

Ҳурматли депутатлар!

Базавий тармоқларни ривожлантириш иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Биз тараққиётда асосан ўз кучимизга таянишга мажбурмиз. Шунинг учун энг муҳим базавий тармоқларни биринчи навбатда ривожлантириш ҳаёт тақозосидир. Булар жумласига нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб чиқариш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари киради.

Ҳозир биз зарур нефтнинг 80 фоизини четдан ташиб келтиришга мажбур бўляпмиз. Бундан ташқари, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари ҳам республиканинг ташқарисидан сотиб олиняпти. Уларнинг нархлари муттасил ошиб бораётганлиги иқтисодиётимизга оғир юк бўлиб тушмоқда.

Айни пайтда эса, биз ўзимизни нефть ва бошқа энергетика ресурслари билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари мазкур тармоқларнинг кескин ривожланишини таъминлаш, валюта тушумларини кўпайтиришнинг ишончли манбаи, хорижий сармояларни жалб этиш объекти ҳам бўла олади.

Экспорт қувватидан тўлатўкис ва мумкин қадар кўп фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш иқтисодиётимизни мустаҳкамлашнинг ғоят муҳим шартидир.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида ташқи бозорга мустақил чиқмасди. Жаҳон савдосида қатнашмасди. Ўзининг иқтисодий қувватини етарлича ишга тушира олмасди.

Шуннг учун бугунги кунда бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан ислоҳ қилмоқ зарур. Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди.

Экспорт таркибида чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш лозим. Хомашёни экспорт қилишдан кўра Ўзбекистон учун кўпроқ наф келтирадиган йўналишларга ўтиш зарур. Булар жумласига енгил саноатнинг, қайта ишлаш соҳаларининг, машинасозлик илм-фанга асосланган тармоқларнинг тайёр маҳсулотларини, чет элларга сотиш, чет эл туризмини ривожлантириш киради.

Биз хомашё бойликларига эгамиз. Чет эл технологияларини олиб келишимиз ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этишимиз мумкин. Ана шу корхоналар замонавий техникадан фойдаланиб рақобатга қодир маҳсулот ишлаб чиқара оладилар.

Бу борада икки принципга амал қилиш зарур. **Биринчиси**, бironта корхона, бironта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилиниши ва қатъий валютада даромад келтира оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармоянн олмасликлари керак. **Иккинчиси**, чет эллардаги илғор фирмалар бнлан алоқа боғламаган корхона бўлмаслнги лозим. Ўшандагина жаҳон бозорн ва ривожланган мамлакатлар билан, очиқ иқтисоднётни барпо этиш мумкин.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этишни рағбатлантириш зарур. Биз қўшма корхоналар ташкил этиш орқали замонавий технологияга ҳамда замонавий ишчилар синфига эга бўламиз. Натижада Ўзбекистонда маҳаллий хомашёдан ўзининг ишлаб чиқариш базасида тайёрланган юқори сифатли моллар кўпаяди.

Экспортни кенгайтириш билан бирга импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказамиз. Ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларни четдан келтирилишини мумкин даражада камайтириш зарур. Шунинг учун асосий эътиборни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурслари четдан олиб келишни камайтиришга қаратилмоқда. Бунинг ўрнига серҳосил экин навлари уруғлари ва уларни етиштириш бўйича саноат технологияси керак. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳақида ўйламоқ зарур.

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади.

Мана шу устувор вазифани амалга ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармойдорлар ўз даромадларидан эркин фойдаланишларида бир мунча имтиёзли тартибни жорий қилмоқ керак;

иккинчидан, хорижий сармояларни асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш зарур;

тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга — республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш керак.

Ҳурматли ноиблар!

Иқтисодий ислоҳотларимизнинг бутун дастурида айтиб ўтилган энг асосий устувор вазифалар билан бир қаторда, бир қанча узлуксиз устувор йўналишларни ҳам аниқ-равшан ажратиб кўрсатиш керак.

Узлуксиз устувор йўналишлар нима? Бунинг маъноси шуки, мазкур йўналишлар ислоҳотларимиз ҳаммасига босқичларида устувор ҳисобланади. Улар жамиятни янгилашдан иборат бутун жараённинг бошқа йўналишларига сингиб кетади.

Ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун қуйидагилар узлуксиз устувор йўналишлар ҳисобланади:

— таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш;

— аҳолий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;

— ва, шубҳасиз, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлади.

Бу эса бутун таълим ва маданият тизиминн тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва юқори маданийлик, озодликдан ҳамманнг бахтсаодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Аввалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди.

Бу аҳвол тубдан ўзгартирилиши лозим. Аслини олганда халқимизнинг эзгу бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган, янги авлодни камол топтириш керак бўлади.

Мана шу асосдагина миллатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган.

Бизнинг диёримиз буюк алломаларни етиштирган. Бутун жаҳон илм аҳли, улар бнлан фахрланади. Улар асос солган миллий илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун, бизда ҳамма шарт-шароитлар бор.

Давлат бундан буён ҳам энг асосий устувор тадқиқотларнн қўллаб-қувватлаш шарт. Чунки республиканинг келажаги ана шу тадқиқотларга боғлиқдир. Лекин илмий ташқилотларнинг ўзлари ҳам ўз моддий базасининг ривожланиш йўлларини янада фаолроқ излашлари, хорижий мамлакат илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш керак. Амалиёт эҳтиёжларига яқинроқ бўлишларига самарали натижалар берадиган изчам, ихчам, ихлановчан ижодий жамоаларни ташкил қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Аҳлий ва маданий салоҳиятни ривожлантириш яна бир узлуксиз принцип ҳисобланади. Халқимиз ўзини ҳақиқатан ҳам озод, эркин деб билиб, муҳтожлик ва қарамлик исканжаларидан халос бўлган, қаддини ростлаган, эркин нафас олганда, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Аждодларимизнинг руҳиноклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина, истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва мудроаларидан бошланадигаи халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Демак, бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун харажатларимизни аямаслигимиз даркор.

Ислоҳотлар муқаррарлигининг ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақиқатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади.

Бозор ислоҳотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш — шунчаки бир мақсад эмас. Барча-иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг ниҳоятда мақсадларининг ўзи, бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Ўз навбатида, аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш кафолатидир. Бу бошланган ислоҳотлар ва покланиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Шу туфайли бозор механизмларини жорий қилишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича, олдиндан кучли чоралар амалга оширилиши лозим.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, сифат жиҳатдан янги босқичга келдик. Ҳаёт ижтимоий ҳимоялаш механизмини чуқурлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ижтимоий ҳимоя чоралари аҳолининг ҳаммасига эмас, балки кўпроқ ҳамда ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган қатламларигагина кўпроқ ҳажмда йўналтирилиши керак.

Аҳолни ижтимоий ҳимоя қилиш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ва хайрия ташкилотларининг ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ишга туширилиши зарур.

Аҳолиннг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини — болалар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш, аввалгидек ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Аммо у ҳам аниқ йўналишдаги сиёсат туси-ни олиши лозим. Бу ҳол болалар учун нафақалар ҳамда тўловларнинг мавжуд турлари ва шаклларини ягона тизимга солишни тақозо этади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат айниқса мушкул аҳволга тушиб қоладн. Биз учун маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолнинг аҳлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш асосий устувор вазифа экан; ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи одамларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Азиз дўстлар!

Энди ана шу таъкидланган иқтисодий дастуримизни, асосий устувор йўналишларимизни ҳаётга жорий этиш қандай бораётгани ҳақида қисқача айтиб ўтсак.

Икки йил ичида босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиш, тармоқлар, корхоналар ва ҳудудлар доирасида турмушимиздаги аниқ мисоллар шуни айтиш учун асос бўладики, халқнинг меҳнати ва ғайрат-шижоати билан республикани ривожлантириш ва уни янги марраларга чиқариш борасидаги иқтисодий ислоҳотлар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу борада баъзи бир кўзга кўринган мисолларга тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Авваламбор, марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишга асос қўйилди, тегишли қонунлар бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ҳуқуқий негизини ташкил қиляпти. Мулкчилик шакларининг хилма-хиллиги юридик жиҳатдан эътироф этилди. Хусусий мулкчилик тан олинди.

Тармоқ вазирликлари ва идораларини бозор шароитларига анча мослашган концернларга, уюшмаларга, корпорацияларга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш — хўжалик шакларига айлантириш жараёни, деярли ниҳоясига етди.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш таъминланди. Давлат буюртмасининг улуши анча камайтирилди. Халқ хўжалигн тармоқларида иқтисодий эркинлик, бозор муносабатларини кенг қўламда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилди.

Бозор муносабатларининг асоси сифатида кўп асосли иқтисодиёт шакллантирилмоқда. Бу жараён икки йўналишда — янги хусусий, акционерлик ва бошқача шакллардаги корхоналарни барпо этиш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш орқали давом этмоқда.

Республикада қисқа вақт мобайнида 7600 хусусий, 1300 та ижара, 460 та акционерлик ва бошқа давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ташкил қилинди.

Маҳаллий саноатда, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда кичик хусусийлаштириш жараёни 1993 йилнинг охиригача тугайди. Матлубот кооперацияси мева-сабзавот саноати тизимида хусусийлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

Ҳозирги вақтгача «Маҳаллий саноат» корпорацияси тизимида 200 дан ортиқ корхона, «Ўзбексавдо» уюшмасида 3 мингтага яқин, «Ўзбекбирлашув»да салкам 4 мингта корхона, «Ўзмаишийхизматуюшма» тизимида эса 5 мингтадан кўпроқ объект қайта ташкил қилинди.

Умуман 15 мингтадан кўпроқ корхона нодавлат мулкчилик шаклларига, шулардан 10500 таси ёки салкам 70 фоизи хусусий ва оилавий мулкчилик шаклига айлантирилди.

Кичик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш билан бир қаторда йирик саноат корхоналари, қурилиш комплекси ва юк транспортини акционерлаштириш ишлари авж олиб кетди.

Тошкентда давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришга оид тажрибани ҳисобга олиб, бу жараён бутун республикада авж олиб кетди. 900 мингтага яқин квартира хусусийлаштирилди. Бу эса хусусийлаштирилиши лозим бўлган уй-жойлар умумий ҳажмининг 82 фоизини ташкил қилади.

Бундан фахрийларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари, ижодий ва илмий ходимларга 300 мингтадан кўпроқ квартира бепул топширилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарга бир неча марта имтиёзлар берилди. Булар жумласига сотиб олишда нархни пасайтириш, улар учун бир мунча қулай солиқ режимини ва умуман хўжалик муҳитини вужудга келтириш киради.

Республикада тадбиркорликни ривожлантириш Жамғармаси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш Жамғармаси ташкил қилинди. Якка хўжаликларни, кооперативларни ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун «Тадбиркор» тижорат банки тузилди. Давлат уларга кенг қўламда молиявий мадад берди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш учунгина Базирлар Маҳкамасининг заҳирасидан ярим миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак бериши керак. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг танҳо ҳокимлигини тугатишда, соғлом рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда таъсирчан восита бўлиб қолиши лозим.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш жараёни бораяпти. Халқ хўжалигини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тизими шартнома асосига ўтказилди. Савдо уйлари, биржалар, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари тармоғи тарқиб топаяпти. Кредит-банк тизими тубдан ўзгармоқда. Солиқ структураси ва солиқ қонунчилиги такомиллашмоқда.

Ҳозирги сессияда биз қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунни қабул қилишимиз лозим. Бу қонун саркмоялар бозорини вужудга келтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Бугунги вазият халқ хўжалигини макроиқтисодий жиҳатдан барқарорлаштиришни энг муҳим масала қаторига кўтараяпти.

Бунда амалий фаолиятда халқ хўжалигининг бошқарилишини сақлаб қолишга, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўймаслнкка, аҳолнннг турмуш даражасини қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият берилмоқда.

Авваламбор, бу гап молия-кредит тизимига тааллуқлидир. Республика бюджети энг асосий, ҳаётий муҳим вазифаларни бажаришни пул билан таъминлаб турди. Биз даромадга қараб буромад қабилида иш тутишни, маблағга яраша яшашни ўрганиб олдик. Натижада давлат бюджети даромадлари харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилаяпти.

Пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини тартибга солиш воситаларининг давлат қўлида сақланиб қолиши, ташқи салбий жараёнларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш имконини берди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари пайдо бўлди.

Ялпи ички маҳсулотларнинг пасайиш суръатлари 1992 йилги 9,6 фоиздан шу йилнинг биринчи ярмида 3 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришида эса 6 фоиздан 2 фоизгача тушди. Июль ойида саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг июль ойига нисбатан, таққослама нархларда деярли 11 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги даражадан ошиб кетди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12 фоиздан зиёдроқ кўпайди. Ун, макарон маҳсулотлари, ёрма, мол ёғи, ип-газлама ва жун-газламалар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошди.

Саноатимизда самарали ўзгаришлар ҳақида гапирар экамиз, шуни таъкидлашимиз зарурким, агар аввал бошданоқ халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш бўйича қатъий чоралар кўрилмаганда, уни барқарорлаштириб бўлмас эди.

Республика иқтисодиётида амалга оширилаётган илғор таркибий ўзгартиришлар, стратегик жиҳатдан муҳим мақсадни ҳал қилишга имкон берди. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилги 40 фоиздан ҳозир 61 фоизга кўпайди.

Пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳам анча ошди. Ўзимизда қайта ишланаётган тола 10 фоиздан 16,5 фоизга, мис 13 фоиздан 20 фоизга етди. Республикамизнинг ўзида қайта ишланган мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик хомашёсининг ҳажми кескин кўпайди.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва аҳоли истеъмол қилаётган товарлар улуши 60 фоиздан 80 фоизгача ошди.

Мудофаа тармоқларида тайёрланаётган буюмларнинг ўзгартирилиши, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улушини оширишда муайян рол ўйнади. «Алгоритм», радиоэлектрон аппаратлар заводларида, «Восток», «Ўзэлектроаппарат», «Ўзэлектрокабель» бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда аграр сектор учун техника, телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар, хилма-хил электр хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «ИЛ-114» самолётинн кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти.

Иқтисодий стратегиянинг устувор йўналишлари орасида сизлар билан биз асосий тармоқларни ва аввало ёқилғи энергетика комплексини жадал ривожлантиришни белгилаб олдик.

Кўрилган чора-тадбирлар нефть ва газ қазиб чиқаришни пасайтирмаслик билан бирга тармоқни ривожлантириш суръатларини ошириш имконини ҳам берди. Ваҳоланки, шу даврни ўзидаёқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпгина мамлакатларида ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайиб кетди.

Бу йил 44 миллиард кубометр табиий газ, 4 миллион тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилади, 1995 йилга борнб табиий газ 50 миллиард кубометргача, нефть ва газ конденсати 8 миллион тоннагача кўпайиши керак.

Бу мақсадда ноёб Кўкдумалоқ газ, нефть ва газ конденсати конини жадаллнк билан ўзлаштириш борасида кенг миқёсли ишлар авж олдириб юборилди. Мингбулоқ нефть конини қўшимча разведка қилиш ишлари олиб борилаяпти.

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида ҳозирдаёқ янги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши учун майдон танлаб қўйилди. Мавжуд қувватларга қўшимча равишда шу заводнинг ишга туширилиши республиканинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имконини беради ва ҳатто уларни экспорт қилишни таъминлайди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг, янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСларининг, Муборак газни қайта ишлаш заводининг иккинчи ва учинчи навбатлари қурилаяпти. Бу қурилишлар республиканнг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қизилқум фосфорит комбинати қурилиши бошланди. Уни ишга туширишнинг кимё саноати учун четдан олиб келинадиган хомашёдан воз кечиш имконини беради.

Бозорнинг шаклланиши коммуникациялар шохобчаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб қилади. Улар товарлар ҳаракатиннг энг муҳим ҳаётий йўлларидир. Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бирлаштирувчи ишончли каналлар ҳисобланади.

Шунинг учун биз транспорт қурилишига, ишлаб турган магистралларни техника билан қайта қуроллантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Фақат кейинги икки йил ичида 150 км. дан ортиқ, яъни авналги 10 йил ичида қанча бўлса деярли шунча темирйўл линияси электрлаштирилди. Хонос — Қўқон, Ховос — Жиззах — Суперфосфат участкаларида электровозда юк ташишга ўтиш ишлари олиб борилмоқда.

Навоий — Учқудуқ ва Султануиздаг — Нукус темирйўл линияларини қайта қуриш, янги Учқудуқ — Султануиздаг линиялари қуриш ва уларни электрлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу линиялар ишга тушнрилиши билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланади. Хоразм вилояти республиканинг ягона темирйўл тармоғига бевосита боғланади.

Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудида ўтган икки йил мобайнида 21 минг километрдан ортиқ водопровод ва газ тармоқлари ишга туширилди, яъни шу икки йил ичида олдинги тахминан 10 йил давомида қилинган иш бажарилди.

Мустақиллик учун курашнинг бошиданоқ республикада **пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш ва экин майдонлари таркибини такомиллаштириш йўлидан борилди.** Бундан мақсад Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари билан ўзини-ўзи таъминлашига эришиш эди.

Натижада донли экинлар майдонини 300 минг гектарга кенгайтирилди. Голландча технологиядан фойдаланиб, картошка экиладиган майдонлар кўпайтирилди.

Қанд лавлаги майдонларини кенгайтириш ва бир қанча заводлар қуриш яқин йиллар ичида 20 минг тонна қанд-шакар ишлаб чиқариш, 1997 йилга бориб эса унинг ҳажмини 125 минг тоннагача етказиш имкониятини беради.

Энг муҳими эса бўшаб қолган ерлар томорқа участкаларини кенгайтириш учун берилди. Фермер хўжаликларини ташкил қилиш эса аграр секторда йирик иқтисодий ислоҳотларни бошлаб берди. Ҳозирги вақтда 53 минг гектардан кўпроқ майдонда 5300 мустақил деҳқон хўжаликлари ишлаб турибди.

Зарар кўраётган ва паст рентабелли давлат хўжаликлари мулкчиликнинг жамоа ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига босқичма-босқич ўтказиляпти. 640 давлат хўжалигидан 280 таси жамоа хўжалиги, 280 та кооператив, 70 таси ижара корхоналари бўлиб қолди.

Жамоат чорвачилиги ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида фермалар уларнинг меҳнат жамоаларига мулк қилиб берилаяпти. Ўзгартирилиши мўлжалланган 610 та фермадан 565 таси ёки 93 фоизи жамоа мулки қилиб топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсмоқда. Бу ерлар шахсий ёрдамчи хўжаликларга ўз вақтида ажратиб берилганлигининг, қишлоқда фермерлик ва бошқа бозор шакллари ривожланиб бораётганлигининг натижасидир.

Умуман етиштирилаётган гўштнинг умумий ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 78 фоизни, сут — 91, тухум — 46, дон — 48, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари деярли 80—85 фоизни ташкил этаяпти.

Ер тақсимлаб берилганлиги қишлоқда ишчи кучининг жуда кўплиги билан боғлиқ кескинликни юмшатди. Қишлоқ меҳнаткашларнинг даромадлари ўсишига кўмаклашди.

Биз янги ерларни ўзлаштириш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш соҳасинн кенгайтиришда жуда муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз. 1,5 йнл ичида 22 миинг гектардан кўпроқ янги ер фойдаланишга топширилди. 57 минг гектар майдонда қадимдан суғориб келинган экинзорларни ҳар томонлама янгилаш ишлари бажарилди.

Республика иқтисодиётининг мустаҳкамланиши экспорт қувватини оширишда бир қанча олға силжишларни таъминлаш имкониятини яратди. Техника соҳасидагн сиёсатни амалга ошириш жаҳон бозорида рақобатга қодир машинасозлик саноати маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Бу сиёсат ишлаб чиқариш базаси янгиланиб туришини жадаллаштиришга, янги технологияларни жорий этишга қаратилган. Компрессор станциялари, кўпрнксимон кранлар, юк ортиш механизмлари, трансформаторлар, металл қирқиш асбобларининг янги турлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини қуриш ҳамда уларни қайта жиҳозлаш борасида. кенг миқёсдаги ишлар бошлаб юборилди.

Мева-сабзавот тармоғида биринчи марта Андижон вилоятидаги Куйганёр консерва заводида жаҳон талаблари даражасида томат-паста, Самарқанддаги тажриба консерва заводида сифатли олма шарбати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Хомашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, экспорт қувватини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ташқи алоқаларимизнинг структурасини жиддий равишда яхшилашга олиб келди. **Олиб кетилаётган маҳсулотлар орасида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилга нисбатан 30 фоиздан 43 фоизгача кўпайди.**

Экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. **Бу йил экспорт ҳажми салкам бир ярим миллиард долларни ташкил қилади. 1991 йилда 667 миллион долларни ташкил қилган эди.**

Экспорт таркибини жиддий яхшилаш лозим бўлади. Пахта билан эмас, балки тайёр маҳсулот билан савдо қилишга интилмоқ керак. Маърифатли мамлакатларнинг ҳаётласи шундай қилади. Валюта ишлаб топиш, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан валюта ишлаб топиш зарур.

Шу йилнинг ўзидаёқ, **пахта толасини экспортдаги улуши 82 фоиздан 51 фоизгача қисқаради. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг улуши 2 фоиздан 14 фоизгача, халқ истеъмол қиладиган саноат молларининг улуши 9 фоизгача кўпаяди.**

Ҳозир Ўзбекистон валютани ўзи ишлаб топмоқда. Ишлаб топганда ҳ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

Чет эл инвестицияларини жалб этар эканмиз, биз айни пайтда шуни аниқ биламизки, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмай туриб, корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмай туриб, иқтисодиёт структурасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади.

Бутун инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш учун маблағ киритиб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Капитал сарфларни маблағ билан таъминлаш манбаларининг структураси ўзгармоқда. Марказлаштирилган тартибда бериладиган капитал сарфлар улуши анча қисқарди. Бугунги кунда капитал сарфларнинг қарийб тўртдан уч қисми корхоналарнинг ўз маблағларидир. Ваҳоланки, 1990 йилда улар 40 фоиздан камроқни ташкил этган эди.

Биз ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш вазифасини шунчаки бир мақсад эмас, балки узлуксиз устивор йўналиш орқали энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш воситаси деб биламиз.

Шу сабабли бизнинг давлатимиз МДХдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ барқарорлаштириш муаммоларини аҳолининг даромадларини кескин чеклаб қўйиш ҳисобига ҳал қилиш йўлидан бормади. Мустақиллик йилларида аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишнинг тамоман янги механизми яратилди. Бунда реал иқтисодий вазият, мавжуд ресурслар ва имкониятлар ҳисобга олинди.

Давлат аввало аҳолининг энг муҳтож гуруҳларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Бу нарса иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз даражаси кафолат топганида, ҳаётий муҳим товарларни норма асосида беришни ташкил қилишда, қоплаш тўловларини ва бошқа тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топди.

Ярим йил ичидагина шу мақсадлар учун бюджетдан 122 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сетраси жорий этилди. Ҳозир иш ҳақининг энг оз миқдори 11 минг сўмдан, энг оз пенсия миқдори эса 12 минг сўмдан ошади. Бу эса Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларга қараганда анча юқоридир.

Шу билан бирга Ўзбекистонда нон, ун ва бошқа кўпгина истеъмол товарларининг энг паст нархлари сақланиб қолаяпти. Мактабларда 1—5 синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонуштаслар берилаяпти. Юқори синф ўқувчилари учуи ва талабаларнинг ошхоналарида имтиёзли овқатланиш жорий этилган.

Шу жорий йилнинг ўзида маошларни ва нафақаларни фақатгина ошириш мақсадида имтиёзлар ва социал жиҳатдан ҳимоялаш учун ажратилган маблағлар, нарху наво даражасини сақлаб қолиш учун сарфланган харажатларни ҳисобласак, давлат ҳисобидан тахминан 800 миллиард сўм ажратилади.

Олдиндан кўрилган чоралар республикада ижтимоий барқарорликни, халқнинг ислоҳотлар йўлига ишончини таъминлаш имкоиини берди.

Таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда барча поғоналардаги ўқув юртларини тубдан қайта қуриш бошланди. Агарда яқин вақтларгача кадрлар асосан Тошкент ва Самарқандда тайёрланган бўлса, эндиликда ҳар бир вилоятда фан ва таълим марказлариии ташкил қилиш йўли амалга оширилаяпти.

Энг аввало бундай ўқув юртлари асосий ядро сифатида зарур. Илмий тафаккур, мутахасисслар тайёрлаш ишлари ана шу ядро атрофида ривожланади. Кейинчалик улар етакчи илмий мактаблар билан беллаша оладиган ҳақиқий марказлар бўлиб қолиши лозим.

Шу мақсадда бир қанча университетлар, тижорат, политехника колледжлари ва бошқа ўқув юртлари очилди. Мутлақо янги йўналишлар жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, халқаро журналистика ва иқтисодиёт, бозор муносабатлари ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ташкил қилинди.

Бозор шароитидаги ишлар кадрларнинг касб маҳоратларига нисбатан қаттиқ талаблар қўяди. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига, коллежларга талабалар тест синовлари асосида қабул қилинаяпти. Истеъдодли ёшларни танлов асосида, саралаб чет мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун юборилаяпти.

Ҳозирги вақтда чет элларда 2,3 мингдан кўпроқ ёшлар таълим олаяпти. Дунёдаги етакчи илмий марказлардан ўқитувчилар жалб этила бошланди.

Шундай қилиб, биз комил ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини қўйишга, ўзгаришлар муқаррарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Муҳтарам халқ нойиблари!

Янгиланаётган давлатга мутлақо янги иқтисодий асос керак. Бу яққол кўриниб турган ҳақиқатдир. Бунга қўшилмайдиган бирор киши топилмаса керак.

Ислоҳотларни иқтисодиётимизда татбиқ қилиш йўлида, эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда ҳаётимиздаги кўп жараёнларда ислоҳотлар олға силжимай бир жойда тўхтаб қолаётганлигини, кутилган натижа бермаётганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар бор.

Биз ҳозир республика даражасида ва босқичида ислоҳот ўтказиш ҳақида дастур ва тасаввурга эгамиз. Лекин вилоят ёки туман, тармоқ ёки корхона даражасига ўтганимизда кўпгина оқсоқликка, тушунмовчиликка, ҳатто қарама-қаршиликка дуч келаяпмиз.

Ислоҳотларнинг олға силжишини тўхтатиб турган сабабларни очиб, бу йўлдаги ғовларни олиб ташламасак, узоққа чўзиладиган иқтисодий турғунликка дучор бўлишимиз хавфи бор. Бундай ҳолда ислоҳот тушунчасининг ўзи қадрсизланади. Унинг асосий афзаллиги— янги-янги омилларни ўзгаришларга бўлган кучли рақобатни намоён қилишдан иборат афзаллиги йўқолади.

Ислоҳотлар уларни шунчаки ўтказиш учунгина керак эмас. Уларнинг мақсади иқтисодий фаолиятга эркинлик беришдир. Шундай бир механизм ишга туширилиши керакки, бунда ҳар бир киши ислоҳотларнинг афзаллигини яққол сезсин. Уларнинг натижаларидан ҳақиқий манфаатдорлик пайдо бўлсин. Ислоҳотлар жараёни аниқ самара билан боғлиқ бўлиши зарур.

Янги усулларни амалда жорий этиб бозор иқтисодиёти принциплари асосида яшай бошлаган жойларда ишлаш ҳам қизиқарли, ҳам даромад ва маошлар ортиб бормоқда. Бунда одамларга яқин вақтларгача қилинган мафкуравий ишлов беришнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Афсуски, ҳали баъзи бир раҳбарларимиз, фаолларимиз биз қандай яшаётганлигимизни аниқ англаб етишгани йўқ. Улар ҳатто содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини билиб олишга ҳам ҳаракат қилишмаяпти.

Эҳтимол, улар ҳали эски вақтлар қайтади деб, ичида умид қилиб юришгаи бўлса керак.

Бундан бошқа йўл йўқ эканлигини, шунингдек ўтмишга ҳам қайтилмаслигини англаб олиш зарур. **Шуни ҳаммага аниқ қилиб етказишимиз зарурким, у даврларга мутлақо қайтиш йўқ. Бу боши берк йўл. Бу қашшоқлик, зарарли ва боқимандалик, мутелик йўлидир.**

Бугун — катта синов даври. Бугун — Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир инсон ўз виждони олдида жавоб берадиган давр. Шундай бир даврда сафларимиз янада жипсроқ бўлиши керак. Эски замон яна қайтса нима қиламиз деб, юрак ҳовучлаб, тиззалари қалтираб ўтирган ожиз кимсалар билиб қўйсин: эски тузум қайтмайди, қайтиши мумкин ҳам эмас!

Халқимиз ислоҳотлар йўлини, бозор иқтисоди йўлини маъқул деб топган экан, **бегоналар бу йўлда гов бўлиб турмасин.**

Ўзини янги сиёсат тарафдори деб кўрсатиб, истиқлол ва мустақиллик ҳақида олижаноб гапларни сайраб юрган сохта ватанпарварлар ҳам орамизда оз эмас. Улар ҳозир пайт пойлаб турибди, агар вазият сал ўзгарса, қийинчиликлар сал ошиб кетса, бир думалаб янги тузум рақибларига айланиб қолишлари ҳеч гап эмас. «Мен айтган эдим, огоҳлантириб қўйган эдим, менинг гапим рост чиқди», — деб минбарларга сапчиб чиқишга тайёргарлик кўраётганлар ҳам бор. Бунақанги иккиюзламачилардан жуда эҳтиёт бўлишимиз керак.

Бир нарсани асло эсдан чиқармайлик: бугунги ёруғ кунларимизни кўролмайдиган фитначи ва иғвогарлар ҳали кўп. Бу ички қора мансабпараст кимсалар турли фиску фасод гапларни тарқатиб, элимизнинг жипслигини бузишга, ватандошлар орасига низо ва адоват уруғини сепишга ҳаракат қилганлар ва бундан кейин ҳам қиладилар.

Уларга нисбатан бепарво, лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ. Негаки, бу жойда истиқлолимиз, Ватанимизнинг тинчлиги-осойишталиги гаровга қўйилган. Фитначилар ва бузғунчилар билан курашиш, уларни бутунлай орамиздан чиқариб ташлаш керак. Иғвогарларга зимдан тарафдор бўлиб, уларни ноғорасига ўйнаб юрган кимсалар англаб олсин: энди у хил найранглар кетмайди, уларга йўл қўймаймиз. Халқимиз кимнинг ким эканини, ким чўнтагида тош ушлаб турганлигини яхши англайди, кимни қўллаб-қувватлаб, кимни бошдан соқит қилишни ҳам билади!

Ғанимлар нималар деб сафсата сотмасин, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг тутган йўли қатъий ва мустаҳкам: бнз доимо меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, ҳотиржамликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз. Ватандошларимиз бир-бирларига елкадош, аҳил-иноқ бўлиб яшаш, етимесирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтож кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизни кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймз.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: ўз муқаддас буюк мақсадларимизга эришмоғимиз учун ҳар қайси хонадонимизда, юртимизда тинчлик-осойишталик, бир-биримиз билан ахил, меҳр-оқибатли, ором-усли бўлиб яшашимиз керак.

Яқдиллик, имон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсонпарварлик — биз куражак жамиятнинг тамал тошларидан биридир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Аввал айтганимдай, бугун — ҳар бир инсон ўз виждони олдида ҳисоб берадиган давр. Мустақиллик карвони йўлга чиққан экан, уни ҳеч ким тўхтатишга қодир эмас. Биз албатта манзилга етиб борамиз.

Шу катта улуғвор мақсадлар йўли равоқ бўлишига ҳуқуқий замин яратиш, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш, Ўзбекистонимиз халқини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, келажакка оид барча йўналишларни аниқ белгилаб олишдаги катта хизматларингизни тарих ва замон албатта эслайди ва муносиб тақдирлайди.

Босиб ўтган йўлимизга бир назар солайлик. Агар яқингинада бошдан кечирган машаққатли кунларимизни яна бир карра эслсак, шу яққол кўринадики, бизлар энг қийин даврларда ҳам ўзимизни дадил тутдик, ҳақиқат ва адолат ўз тарафимизда эканига қаттиқ ишондик.

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш ҳар бир инсон учун катта бахтдир.

Сизларни шу муқаддас замин — гўзал Ўзбекистоннинг истиқлол байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-осойишталик тилайман.

Оллоҳ Таъоло ҳаммангизни ўз паноҳида сақласин.

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Олий Мажлисга сайловлар ўтказишнинг асосий принциплари

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборатдир.

Олий Мажлис депутатлари яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланадилар.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Олий Мажлисга депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловларда иштирок этмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ ҳокимият вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Насл-насаби, ижтимоий ва мулкий аҳволи, қайси ирқ ва миллатга мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғлотининг тури ва хусусияти, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини ўзга тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

3-модда. Сайлов ҳуқуқининг тенглиги

Ҳар бир фуқаро — сайловчи битта овозга эга.

Хотин—қизлар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайловлар

Олий Мажлис депутатлари фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

Олий Мажлисга депутатлар сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Зўравонлик, таҳдид қилиш, алдаш ёки бошқа ғайриҳуқуқий йўл билан сайловчиларнинг ҳоҳишига таъсир ўтказиш, шунингдек, сайловчиларнинг хоҳиш—иродасини назорат қилиш конунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

6-модда. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ошкоралик

Олий Мажлис сайловларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилади. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишлари тўғрисида, сайлов участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссияларнинг жойлашган манзили ва иш вақти хусусида хабардор қиладилар, сайловчиларнинг рўйхати, сайловларда иштирок этаётган партиялар рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайловларнинг якунларига доир маълумотлардан хабардор этадилар. Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайловлар куни ва овозларни санаш чоғида овоз бериш хоналарида депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан битта кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро харакатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли гувоҳнома ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ўз вакиллари тўғрисида округ сайлов комиссияларига кечи билан 15 кун қолганида маълум қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари депутатлар сайловига тайёргарликнинг борлиши ва сайловлар қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар оммавий ахборот воситаларига сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этадилар.

7-модда. Сайлов округлари тузиш

Олий Мажлисга сайловлар ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузиладн.

Олий Мажлисга депутатлар сайлови бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимиомасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегараларини белгилашда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий—ҳудудий бўлиниши ҳисобга олинади.

Сайлов округлари, одатда, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг бўлинган ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округидаги сайловчилар меъёри Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Сайлов округлари рўйхати уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган манзили кўрсатилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловлар тайинланганидан кейин кўпи билан 10 кун ичида эълон қилинади.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва меъёрлари

Олий Мажлисга депутатлар сайловлари чоғида овоз беришни ўтказиш ва овозларни санаб чиқиш учун туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг ҳудудлари сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилиб, қисм жойлашган жойдаги сайлов округига киради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа даволаш стационар муассасаларда, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округларига киритиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловлар тайинланганининг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатхоналарида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, фавқулоддда ҳолларда эса сайловларга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Туман, шаҳар ҳокимлиги овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

II. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

III. САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9-модда. Сайлов комиссиялари

Олий Мажлисга сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари:

1) Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси;

2) округ сайлов комиссиялари;

3) участка сайлов комиссиялари тузилади.

10-модда. Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва камида 12 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси раиси ва аъзолари сайловлар тайинланишида Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Марказий сайлов комиссияси таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳридан ваккиллар киритилади.

Комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади. Марказий сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларига доир маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг расмий матбуот органларида эълон қилади. Комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари ўз вазифаларидан Олий Мажлис томонидан озод этилишлари мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати Олий Мажлисга навбатдаги сайловлар тайинланган кундан эътиборан тугайди.

11-модда. Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

1) республиканинг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди. Ўз ваколатлари доирасида сайлов кампаниясини ўтказиш учун зарур бўлган масалаларни ҳал этиш мақсадида йўриқномалар тайёрлайди;

2) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, агар ушбу Қонунга зид бўлса, республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссияларининг Олий Мажлисга депутатлар сайловига доир қарорларини бекор қилади, сайлов комиссиялари таркибига ўзгаришлар киритиш тартибини белгилайди;

3) сайлов округлари тузади, уларга ном беради ва уларнинг тартиб рақамини белгилайди;

4) округ сайлов комиссиялари тузади;

5) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

6) сиёсий партияларнинг аризалари ва тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

7) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитлар таъминлайди;

8) депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

9) сайлов комиссиялари бўйича пул маблағларини тақсимлайди, сайлов комиссиялари бнлан, транспорт, алоқа воситаларн билан таъминланишини назорат қилади ва сайловларни ташкилий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

10) Олий Мажлис депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, сайловолди йиғилишлари ва сайлов комиссиялари мажлислари баённларининг, сайловларга доир бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, сайлов қутилари ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатлар сақланишининг тартибини белгилайди;

11) сиёсий партияларнинг, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, бошқа давлат ва жамоат органларининг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусидаги ахборотларини тинглайди;

12) республика бўйича сайловларга умумий якун ясайди, сайлаган депутатларни рўйхатга оладн, Олий Мажлисга ўтказилган сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

13) Олий Мажлис Мандат комиссиясига депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур бўлган ҳужжатларни беради;

14) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

15) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонунинг жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган бузилишларига доир материалларни прокуратура органларига оширадн;

16) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Округ сайлов комиссиясини тузиш

Округ сайлов комиссияси Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Округ сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) округ ҳудудида ушбу Қонуи бажарилишини назорат қилиб борадн;

2) сайлов участкалари тузади, округ бўйича уларнинг ягона тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини уйғунлаштнрадн;

4) участка сайлов комиссиялари ўртасида пул маблағларини тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитларни таъминлайди;

6) депутатликка номзод кўрсатишни ташкил этишга кўмаклашади;

7) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

8) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил қилади;

9) депутатларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

10) сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

11) сайловчилар рўйхати тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

12) сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенлари билан таъминланишини ташкил этади;

13) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаб, Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

14) такрорий овоз бериш ва такрорий сайловларни, шунингдек, бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ташкил этади;

15) депутатни чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

16) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

17) ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловлардан камида 30 куи олдин 5—19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котнбдан иборат таркибда тузилади. Башарти, комиссия таркиби 7 нафаргача аъзодан иборат бўлса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарурат га қараб кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг, рўйхатинн тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатоликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади, рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;

4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш ҳоналари ва овоз бериш қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни санаб чиқади;

8) сайловларга тайёргарлик ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Комиссиянинг раиси ва аъзолари шахсан берган аризаларига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилганлари тақдирда ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этишга комиссияни тузган орган ҳуқуқли бўлиб, комиссия аъзосн ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда инкор қилгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги раиси ёки янги аъзосн ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари бирор бир сиёсий партия ва ҳаракатнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

Сайлов комиссияси таркибига Олий Мажлис депутатлигига номзод кириши мумкин эмас.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Башартн, сайлов комиссиясининг мажлисн куни комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга розн бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённга илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарори ва хатти-ҳаракатлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига, шунингдек судга шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ёки аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловларни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

- Давлат ва жамоат органлари, сиёсий партияларнинг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин ва кенг кўламда муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси муҳокама чоғида билдирилган мулоҳазалар ва киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда уқтирилган Қонун лойиҳасини такомилига етказсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 3-бетда).

комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишларида ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотлар ва материаллар тақдим этишлари шарт.

Сайлов комисияси сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, сиёсий партияларнинг органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар комиссия ўртага қўйган масалани қараб чиқишлари ва сайлов комиссиясига кўпи билан уч кун ичида жавоб қайтаришлари шарт.

Округ ва участка сайлов комиссиялари депутатларнинг ваколатларини Олий Мажлис тўғри деб топганидан кейин ўз фаолиятларини тўхтатадилар.

18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш

Депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарори устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин беш кун ичида, агар сайловларга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

19-модда. Сайлов кампаниясини молиявий таъминлаш

Олий Мажлис сайловларига тайёргарлик кўриш ва сайловларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасининг айрим фуқаролари сайловларни ўтказиш учун ихтиёрий равишда ўз маблағларидан беришлари мумкин. Бу маблағлар сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиб олинади.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун зарур бўлган бино ҳамда асбоб-ускуналарни сайлов комиссияларининг ихтиёрига бепул берадилар.

IV. САЙЛОВЛАРНИ ТАЙИНЛАШ. ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

20-модда. Олий Мажлис депутатлари сайловини тайинлаш

Депутатлар сайлови аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан икки ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Республика ва маҳаллий оммавий-ахборот воситалари сайловлар тайинланганидан кейин кўпи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида маълум қиладилар.

21-модда. Сайловларда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин ўн кун ичида номзодлар кўрсатиш мўлжалланаётган сайлов округларини кўрсатган ҳолда партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги аризани, шунингдек, сиёсий партия Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши лозим.

Уқтириб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун кўрсатилган маълумотномма беради ва аризалар берилган навбати тартибида сайловларда иштирок этувчи партияларнинг рўйхатини республика матбуотида эълон қилади.

22-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганининг йигирманчи кунидан эътиборан бошланади ва сайловга йигирма беш кун қолганида тўхтатилади.

Сиёсий партияларнинг олий раҳбар органлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқарғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларнинг олий органлари депутатликка 150 нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан битта депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округи бўйича битта депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартиби сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари томонидан ҳал этилади.

Партия олий органи фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясиларни, ҳокимият вакиллик органлари эса у ёки бу партияга мансублигидан қатъий назар барча шахсларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир.

Суд томонидан лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёки судланган шахслар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор очиқ ёки яширин овоз билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби сиёсий партия олий органи, ҳокимият вакиллик органи томонидан белгиланади.

Сиёсий партия олий органи делегатларининг, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг ярмидан кўпининг овозини олган шахс номзод этиб кўрсатилган ҳисобланади. Депутатликка номзод кўрсатганлик тўғрисида баён тузилади. Баёнда Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатилаётган сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

Сиёсий партиянинг раҳбар органи, ҳокимият вакиллик органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган ариза билан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қиладилар. Аризада депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, касби, лавозими (машғулот тури), иш ва яшаш жойи, партияга аъзолиги ёки аъзо эмаслиги, шунингдек унинг номзоди қўйилиши мўлжалланаётган округнинг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

23-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан: партия раҳбар шахси, тегишли ҳокимият вакиллик органининг раҳбари имзолаган аризалар, номзодларнинг рўйхатлари, ҳар бир номзоднинг муайян округдан ўз номзоди қўйилишига розилик берганлиги тўғрисидаги аризасидан иборат ҳужжатлар мавжуд бўлгани тақдирда қабул қилинади.

Сайлов комиссияси ҳужжатларни тақдим этган шахсга ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Агарда, тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қонун талабларига жавоб бермаса, мавжуд камчиликларга барҳам бериш мақсадида бу хусусда комиссия ҳужжатларни тақдим этган шахсларни хабардор этади.

Тегишли округ сайлов комиссияси депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, лавозимини, иш ва турар жойини, шунингдек, депутатликка номзодни кўрсатган органнинг номини кўрсатган ҳолда рўйхатга олганлик тўғрисидаги маълумотни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловларга йигирма кун қолганида тўхтатилади. Рўйхатга олинганидан кейин Олий Мажлис депутатлигига номзодларга тегишли гувоҳнома берилади.

V. САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН СИЕСИЙ ПАРТИЯЛАР, ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

24-модда. Партияларнинг, Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловолди дастури

Партияларга, Олий Мажлис депутатлигига номзодларга келгуси фаолияти тўғрисида ўз дастурини баён қилиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари конституциявий тузумга, республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, унда урушни тарғиб қилишга, ирқий ва диний хусуматга, миллий адоватга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситишга даъват қилинган бўлмаслиги керак.

25-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборотлар олиш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхатга олинган вақтдан эътиборан сайловолди йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда сўзга чиқиш, матбуотда, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

26-модда. Ишончли вакиллар

Олий Мажлис депутатлигига номзод 5 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот ишлари олиб борадилар, давлат ва жамоат органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини исталган вақтда ваколатдан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил сайловга қадар исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

27-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Олий Мажлис депутатлигига номзод ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

28-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи донрасида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

29-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодни рўйхатдан чиқариш ҳуқуқи. Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Партия, ҳокимият вакиллик органи сайловларга қадар исталган вақтда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли партия органи ёки ҳокимият вакиллик органининг раҳбар шахси имзолаган аризага асосан рўйхатдан чиқарилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловларга қадар исталган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

30-модда. Сайловолди ташвиқоти

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди ташвиқотига киришишга ҳақлидирлар.

Депутатликка номзодга ўз сайловчилари билан йиғилишларда ҳам, сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда ҳам учрашув ўтказиш ҳуқуқи берилади. Сайловчилар йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларни йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар билан таъминлайдилар, шунингдек, уларга сайловолди ташвиқот ишлари учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратиб берадилар.

Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга олдиндан маълум қилинади.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

VI. САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТЛАРИ

31-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашиш учун жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни рўйхатга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг турар жойларида умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

32-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловларга ўн кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, олис ва борган қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловларга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва рўйхат қай даражада тўғри тузилганлигини текшириш имконияти таъминланади.

33-модда. Сайловчилар рўйхатларига аниқлик киритиш

Сайловчилар рўйхатларидаги ноаниқликларга таллуқли мулоҳазалар сайловчи томонидан участка сайлов комиссиясига сайловларга кечи билан етти кун қолганида маълум қилиниши мумкин. Участка сайлов комиссияси мулоҳаза билдирилган вақтдан бошлаб икки кун ичида уни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт. Участка сайлов комиссиясининг қарори устидан округ сайлов комиссиясига икки кун ичида шикоят қилиниши мумкин, округ сайлов комиссиясининг қарори шикоят тушган вақтдан бошлаб икки кун ичида қабул қилиниши лозим. Округ сайлов комиссиясининг қарори узил-кесил ҳисобланади.

34-модда. Фуқароларнинг сайловчилар рўйхатида йўл қўйилган хатога таллуқли мурожаатларини қараб чиқиш тартиби

Сайловчининг сайловчилар рўйхатида йўл қўйилган, уни ўз сайлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум этадиган хато устидан қилган шикояти сайловчи томонидан сайловларга камида етти кун қолганида участка сайлов комиссиясига топширилади. Участка сайлов комиссияси сайловга қадар ўн кундан кам вақт қолган бўлса, шикоятни дарҳол ёки шикоят тушган вақтдан бошлаб кўпи билан икки кун ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт.

Участка сайлов комиссиясининг қарори устидан уч кун ичида туман (шаҳар) судига шикоят қилиниши мумкин, суд шикоятни икки кун ичида кўриб чиқади ва у қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

Белгиланган муддатлар ўтказиб юборилган тақдирда шикоятлар қараб чиқилмайди.

35-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алфавит тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаган лавозими (машғулот тури) ва номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилади.

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги фойдаланадиган тилларда нашр этилади.

36-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайловларга камида беш кун қолганида бюллетенларни олишлари лозим. Бюллетенлар олинганлигини комиссия раиси, раис ўринбосари ёки комиссия котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

VII. ОВОЗ БЕРИШ

37-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайловлар кунин маҳаллий вақт билан соат 7 дан соат 20 гача ўтказилади. Участка сайлов комиссияси сайловларга камида ўн кун қолганида овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида сайловчиларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, шунингдек, олис ва борган қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти, рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

38-модда. Бинони овоз бериш учун тайёрлаш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади. Бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдордаги кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилиб, сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда, албатта, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бирон-бир бошқа снёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасидадир.

39-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайловлар куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг аъзолари сайлов қутисини сўғ-ғичлайдилар, сайлов бюллетенларини ва сайловчиларнинг рўйхатларини ўзаро тақсимлайдилар ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қиладилар. Бюллетенларнинг миқдори сайлов участкасининг овозлар санаб чиқиб қайд этиладиган баённига ёзиб қўйилади.

40-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайловчи ўз имзосини қўйганидан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига киритилмаган сайловчилар ўз шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

41-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Бюллетенни тўлдириш вақтида овоз берувчилардан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Мустақил равишда бюллетенни тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирган шахслардан бўлак шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайловчининг илтимосига кўра бузиб қўйилган сайлов бюллетени янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, тугатилиши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайловлар куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақлари талаб қилиб, бир қарорга келиб, тўлдирилган сайлов варақларини конвертга солиб ва уни ёпиб, участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақларини олаётган вақтида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақларининг шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда уларнинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

42-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича овозлар участка сайлов комиссияси томонидан алоҳида-алоҳида санаб чиқилади.

Овоз бериш тугаб, сайлов қутилари очилиши олдидан участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақлари солинган ёпиқ конвертлар қутига ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутилари очилишидан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари санаб чиқилиб, участка сайлов комиссияси томонидан тугатилади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, бюллетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қутиларидаги бюллетенлар ва сайлов варақларига асосан комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақлар сонини аниқлайди. Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва варақларга қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақлари, шунингдек овоз берш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақлари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетени ёки варағининг ҳақиқийлиги тўғрисида шубҳа туғилса, бу муаммо сайлов участкаси томонидан овоз бериш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баёнда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланиб, Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига жўнатилади.

43-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг баёнлари асосида:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақлари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар ва варақлар сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланиб, баёнда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, котиб, комиссия аъзолари томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига жўнатилади.

44-модда. Олий Мажлисга депутатлар сайловларининг натижаларини аниқлаш

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келиб тушган баёнлар асосида:

республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақлари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенларнинг сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади.

Башарти, сайловларда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов бўлмаган деб ҳисобланади.

Сайловлар чоғида ёки овозларни санаб чиқиш вақтида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қонидабузарлик туфайли сайловлар умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича бўлмаган деб, топилиши мумкин. Сайловларни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловларни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарорлар устидан шикоят қилишга Олий Мажлис депутатлигига номзодлар ҳуқуқлидирлар.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан айрим сайлов участкаларида сайловлар ҳақиқий эмас деб топилгани тақдирда ана шундай участкалар бўйича овоз бериш натижалари сайловларнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади, башарти, ана шу чиқариб ташланган овоз бериш натижаларисиз ҳам сайловлар умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса.

45-модда. Такрорий овоз бериш

Башарти, сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига икки нафардан ортиқ номзод кўйилган бўлса-ю, уларнинг бирортаси ҳам сайлаимаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда бошқа номзодга нисбатан иштирок этган сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод сайланган деб ҳисобланади, башарти, рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этиб, ана шу номзодни ёқлаб берилган овозлар қаршн берилган овозлардан кўп бўлса.

46-модда. Такрорий сайловлар

Қуйидаги ҳолларда, чунончи:

а) башарти, сайлов округида сайлов бўлмаган ёхуд ўтказилган сайлов ҳақиқий эмас деб топилса:

б) башарти, такрорий овоз бериш Олий Мажлисга депутат сайланганлигини аниқлашнинг имконини бермаса;

в) башарти, сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига кўпи билан икки нафар киши ўз номзодини қўйган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса;

г) башарти, Марказий сайлов комиссияси ушбу Қонуннинг 49-моддасида уқтириб ўтилган сабабга кўра депутатни рўйхатга олишни рад этган бўлса, такрорий сайловлар ўтказилади.

Такрорий сайловлар округ сайлов комиссияси томонидан Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан ўтказилади. Бундан Марказий сайлов комиссияси такрорий сайловлар янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш умумий сайловлар ўтказиш учун тузилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Асосий сайловлар ўтказиш вақтида номзоди Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган ва рўйхатга олинган шахс ана шу ва бошқа округда такрорий сайловларда иштирок этиши мумкин эмас.

Такрорий сайловлар умумий сайловлардан кейин кўпи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссиялари тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

47-модда. Бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловларини ўтказиш

Олий Мажлис айрим депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, унинг депутатлик ваколатлари бошқа сабабларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида депутат ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида янги сайловлар ўтказилади. Сайловлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловлар ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланиб, ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловларга йигирма беш кун қолганида, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловларга қадар ўн беш кун қолганида тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48-модда. Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис депутати этиб сайланганларни рўйхатга олади ва Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олинганларнинг таркибини фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаган лавозими (машғулот тури), иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда матбуотда эълон қилади.

49-модда. Сиёсий партиялардан номзод этиб кўрсатилган Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олишни рад этиш

Агар муайян партия кўрсатган жами депутатликка номзодлар сайловларда тўплаган умумий овоз Ўзбекистон Республикасининг овоз беришда иштирок этган барча сайловчилар овозининг саккиз фоизидан кам бўлса — Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олинмайдилар.

50-модда. Олий Мажлис депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Олий Мажлис депутатларининг таркиби матбуотда эълон қилинганидан кейин округдан сайланган депутатга уннинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Олий Мажлис томонидан депутатнинг ваколати тасдиқланганидан кейин депутат этиб сайланганлиги тўғрисида унга берилган гувоҳнома Олий Мажлис депутат гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга белгиланган намунадаги кўкракка тақиладиган нишон берилади.

Ушбу Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасига юборишингиз мумкин.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 496. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди: 03.00.

Узбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6